

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БЕКОВА НОДИРА БАХАДИРОВНА

**ЦИННАРИЗИН, АМЛОДИПИН ВА ДИЛТЕАЗЕМНИНГ АСЕПТИК
ЯЛЛИҒЛАНИШ КЕЧИШИГА ТАЪСИРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

14.00.17 – Фармакология и клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бекова Нодира Бахадировна

Циннаризин, амлодипин ва дилтеаземнинг асептик яллиғланиш кечишига таъсирини
киёсий ўрганиш..... 3

Бекова Нодира Бахадировна

Сравнительное изучение влияния циннаризина, амлодипина и дилтеазема на течение
асептического воспаления..... 19

Bekova Nodira Baxodirovna

Comparative study of the influence of cinnarizine, amlodipine and dilteazem on the course of
aseptic inflammation..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List published works..... 39

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БЕКОВА НОДИРА БАХАДИРОВНА

**ЦИННАРИЗИН, АМЛОДИПИН ВА ДИЛТЕАЗЕМНИНГ АСЕПТИК
ЯЛЛИҒЛАНИШ КЕЧИШИГА ТАЪСИРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

14.00.17 – Фармакология и клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1363 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шукурлаев Кодир Шукурлаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвосит Мирвосиқович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Файзиева Зиёда Тураевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчиташкилот:

**Тошкент педиатрия тиббиёт
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-чи уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида турли хил касалликларни даволашда рационал фармакотерапия ўтказиш масалалари долзарб ҳисобланади ва бу дори воситаларини муқобил шаклда танлашни талаб қилади. Буни янги дори воситаларини қўллаш ёки уларнинг маълум бўлганларини барча фармакологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш орқали амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга, фармакотерапияни амалга оширишни сезиларли даражада мураккаблаштирадиган турли хил ёндош ҳолатларни мавжудлигини ҳисобга олиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда яллиғланишга қарши қўлланиладиган дори воситаларнинг даво самарадорлиги ва ножўя таъсирларини олдини олишни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқот ишлар олиб борилмоқда. Сўнги гуруҳ касалликларини даволашда ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибиторлари, бета-блокаторлар билан бир қаторда антигипертензив, антиангинал, антиаритмик, антиагрегант ва бошқа қатор таъсир хусусиятларига эга бўлган кальций каналлари блокаторлари (ККБ) ҳам кенг қўлланилади. Кальций ионлари организмдаги универсал иккиламчи мессенжер вазифасини бажаради ва хужайра фаолиятини барча шакллари тартибга солишда иштирок этади. Юқорида санаб ўтилганлар ККБ яллиғланиш жараёнини кечилишига моделловчи таъсирга эга бўлиши мумкинлигини тахмин қилишга асос бўлади. Бу ҳолат даволашда ККБлари кенг қўлланиладиган касалликлар фармакотерапияси самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан катта амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташҳислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»¹, каби вазифалари белгиланган. Шу муносабат билан республика аҳолиси учун ижтимоий ва тиббий хизмат сифатини ошириш, шунингдек, давлат муҳофазасига муҳтож аҳоли ўртасида касалликларнинг ривожланишига қарши кураш бўйича профилактика чораларини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги фармони.

«Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» гикарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ККА яллиғланиш жараёнининг кечишига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган кўп сонли илмий тадқиқотларга, фан ва техникада ютуқларга қарамасдан, дори воситалари хусусан, кальций антагонистларининг қўшимча таъсирларини ўрганиш замонавий тиббиётнинг охиригача ўрганилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Хусусан Филипец Н.Д., Гозҳенко А.И. кальций каналлари модуляторларини нефропротектив хусусиятларини баҳолаш борасида тадқиқотлар ўтказганлар. Тринус Ф.П., Курский М.Д., Губский Ю.И., Букхтиярова Т.А. кальций каналлари блокаторлари ва наркотик бўлмаган аналгетикларнинг оғрик қолдирувчи таъсирига кальций ва унинг каналлари ингибиторларининг ролини таҳлил қилганлар. Wang Fetal томонидан турли гуруҳдаги ККБлари KCNJ5 мутацияли бирламчи алдостерон ишлаб чиқарувчи аденомага (АРА) таъсирини ўрганган. Süneyt Turkish томонидан ККБларининг (нимодипин, синнаризин ва ниовадипин) турли хил миқдорини қон томирларида пилакча пайдо бўлишининг олдини олишга хизмат қилувчи юқори ва паст зичликдаги липопротеинларни оксидланишдан ҳимоя қиладиган сутемизувчиларнинг лактоназа ферментлари оиласига мансуб бўлган параоксоназа ферменти фаоллигига таъсирини текширганлар.

Ўзбекистон олимлари Каценович Р.А., Костко С.З., Қурбонов Р.Д. кальций антагонистлари, жумладан коренфарни зўриқиш стенокардияси, гипертония касаллиги, қоринчалар аритмияси билан оғриган беморларда самарадорлигини ўрганишда муҳим ҳисса қўшганлар.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, кальций каналлари блокаторларини даволашда ККБ препаратлари асосий ўрин тутувчи атеросклероз, инфарктдан кейинги ҳолат касалликлари патогенезида муҳим рол ўйновчи яллиғланиш жараёнини кечишига таъсири масалалари кам ўрганилган ва замонавий тиббиётнинг муҳим муаммоси ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг у бажарилган илмий муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Тошкент Тиббиёт Академиясининг 01.1800223 "Баъзи патологик ҳолатларни ривожланишининг молекуляр ҳужайравий механизмлари ва уларни тузатиш" (2019-2022 й.) илмий тадқиқотлар ва амалий лойиҳалар режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади кальций каналлари блокаторларини лаборатория ҳайвонларида ўтказилган экспериментда яллиғланиш жараёнининг кечишига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот мақсадлари:

кальций каналлари блокаторларини турли флогогенлар билан чақирилган асептик артритлар кечишига, шунингдек яллиғланишнинг алоҳида фазаларига (экссудатив ва пролифератив) таъсирини баҳолаш;

кальций антагонистларини яллиғланишга қарши фаоллигини ўзига хос хусусиятларини уларни такрорий қўллаганда баҳолаш;

тадқиқ қилинаётган дори воситаларининг яллиғланишга қарши таъсир механизмининг айрим жиҳатларини аниқлаш;

кальций канал блокаторларини оғриқ сезувчанлик бўсағаси ва гипертермик реакцияларни кечишига таъсирини қиёсий ўрганиш.

кальций каналлари блокаторларини индометазин билан чақирилган гастропатияда ошқозон шиллик қавати ҳолатига таъсирини ўрганиш;

Тадқиқот объекти сифатида кальций каналлари блокаторлари - амлодипин, дилтиазем, циннаризин ва эталон яллиғланишга қарши носпесефик препарат ЯҚНП - диклофенак натрий препаратлари олинган.

Тадқиқот предмети сифатида олинган қуёнлар ва каламушлар каби лаборатория ҳайвонларида яллиғланиш ривожланишининг турли хил механизмларига эга бўлган флогогенлар билан чақирилган асептик артрит, шунингдек, индометазин томонидан чақирилган гастропатиядан олинган.

Тадқиқот усуллари. Физиологик, патофизиологик, фармакологик, фармакодинамик, биокимёвий, асбобий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта, кальций каналлари блокаторларини бир марта ва такрорий қўлланилганда уларнинг антифлогоген фаоллиги ностероид яллиғланишга қарши препарат- диклофенак натрий билан қиёсий жиҳатдан аниқланган;

кальций каналлари блокаторларини яллиғланишнинг пролифератив босқичига таъсири яллиғланиш ўчоғида физиологик фаол моддаларни таъсирини баҳоланган;

кальций каналлари блокаторларини адъювант билан чақирилган артритни профилактикаси ва даволашдаги самарадорлиги аниқланган;

илк бора, кальций каналлари блокаторларини сурункали яллиғланиш ривожланишидаги патогенетик бўғинларга таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир ва сурункали артритларнинг турли хил моделларида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида, кальций каналлари блокаторлари юқори яллиғланишга қарши фаолликка эга бўлиб, бу нафақат яллиғланишнинг экссудатив ва пролифератив фазаларини сусайтириши, балки оғриқнинг сезувчанлик бўсағасини ошиши ва гипертермик реакцияни бартараф этилиши билан ҳам намоён бўлган;

Кальций каналлари блокаторлари фармакологик фаоллиги бўйича синтетик ЯҚНПларнинг олтин стандарти бўлган диклофенак натрийдан сезиларли даражада кам эмаслиги аниқланган;

Олинган маълумотлар кальций каналлари блокаторлари қўлланиладиган касалликлар фармакотерапиясини янги схемаларини қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш учун асос бўлган;

Олинган экспериментал маълумотлар кальций каналлари блокаторлари гуруҳи орасидан ЯҚНПларга хос бўлган ножўя таъсирга эга бўлмаган, самарали яллиғланишга қарши восита сифатида янги бирикмаларни излаш учун янги истиқболларни кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тажрибаларда олинган маълумотлар етарли миқдордаги лаборатория ҳайвонларида, монанд фармакологик, физиологик, патофизиологик, биокимёвий, гематологик тадқиқот усулларидадан фойдаланган ҳолда олинганлиги ва натижаларни статистик қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларини амалий жиҳатдан бажарилиши, уларни республика ва халқаро анжуманларда кўп маротаба муҳокамадан ўтганлиги, унинг натижаларини тақриз қилинадиган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ККА антиэксудатив, пролиферацияга қарши, иситмани туширувчи ва оғриқ қолдирувчи фаоллиги аниқланди ва тажрибаларда тасдиқланди. ККАларининг антифлогген механизмида про- ва яллиғланишга қарши интерлейкинлар, кинин тизими ва гиалуронидаза фаоллиги юқори аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юрак-қон томир тизимининг сурункали касалликлари (гипертония, аритмия, ишемия) билан оғриётган беморларда асосида яллиғланиш ётадиган патологиялар бирга келган ҳолатларда ККБ қўллаш муолажалар нархини пасайишга ва ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш самарадорлигини ошишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Экспериментал изланишларда ККБ яллиғланишга қарши самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

Сурункали яллиғланиш касалликларига чалинган беморларда бир вақтнинг ўзида юрак-қон томир тизими касалликлари мавжуд бўлган ҳолатларда даволаш тамойилларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Кальций каналлари блокаторларини қўлланганда яллиғланишнинг эксудатив ва пролифератив фазалари кечишини ўзига хос хусусиятлари” услубий тавсиянома тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8 п-з/1054-сонли хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома ревматоид артрит ва бошқа сурункали яллиғланиш касалликлари юрак-қон томир тизимининг патологияси билан бирга келганда

даволашда патогенетик ёндашувни ишлаб чиқишга имкон берган. Услубий тавсиянома ва диссертация материалларининг илмий натижалари Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида фармакология фанидан ўқув жараёнига жорий этилган.

Диссертация ишининг олинган натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Академик С. Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти ва Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали амалиётига татбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 ноябрдаги 08-36003-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар юрак-кон томир тизимининг яллиғланиш жараёнларига боғлиқ патологиялари билан биргаликда кечадиган сурункали касалликлари, беморларда кальций канали блокаторларини қўллаш натижасида даволаш харажатлари пасайишига ҳамда беморларда ҳаёт сифатининг яхшиланиши имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижалари асосида 4 та илмий-амалий шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика даражасидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестасия комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 2 та маҳаллий ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ҳажми 123 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг устувор йўналиши билан мувофиқлигини асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, шунингдек, мавзунини у бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти, предмети ва усуллари кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар очиб берилган.

Диссертациясининг биринчи бобида **“Кальций каналлари блокаторлари фармакологияси”** хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг даврий нашрларида ККБ бир қатор фармакологик хусусиятларга эга эканлиги тавсифланади. Таъсир қилиш механизмлари, ножўя таъсирлари, қўллашга

кўрсатмалар келтириб ўтилган. Шу билан бирга, ушбу бобда ўрганилаётган дори воситалари: амлодипин, дилтиазем ва циннаризиннинг фармакологик хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот берилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот материаллари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида диссертацияда қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қўлланилган тадқиқот объекти тавсифи, услублари ва услубий ёндашувлар баён этилган. Экспериментал тадқиқотлар вазни 145-180 г бўлган жинсий этук оқ эркак каламушларда, 18-22 г вазндаги эркак оқ сичқонлар ва 2,5-3,2 кг вазндаги эркак қуёнларда ўтказилди. Бутун тажриба давомида барча лаборатория ҳайвонлари стандарт виварий шароитида сақланди ва тўлиқ лаборатория овқат рационида сувни эркин ича оладиган имкониятда бўлдилар. ККБ нинг яллиғланишга қарши фаоллигини ўрганиш учун экспериментал асептик артритнинг классик моделлари қўлланилди, бунинг учун турли хил флогоген моддаларнинг эритмалари қўйидаги концентрацияларда қўлланилди: декстран (6%), гистамин (0,1%), серотонин (0,01%), формалин (2%) ва каррагенин (2%) эритмалари орқа ўнг оёқ кафтининг дорсал юзасига 0,1 мл юбориш орқали чақирилди. ККБ нинг яллиғланишнинг пролиферация босқичига таъсирини ўрганиш "пахта грануломаси" моделида амалга оширилди. Юқоридаги препаратларнинг антипиретик фаоллиги пирогенални қўллаш орқали чақирилган гипертермия негизида тана ҳароратини пасайтириш қобилияти билан баҳоланди. ККБ нинг аналгетик таъсири "корчи" ва "иссиқ пластинка" синамалари бўйича ўрганилди. ККБ нинг қон томир ўтказувчанлигига ва қоннинг кинин тизими фаолиятига таъсири ҳам ўрганилди. ККБ сурункали артрит кечишига профилактик ва терапевтик таъсирини ўрганиш учун аджувант билан чақирилган артрит моделидан фойдаланилди. Ушбу тажрибалар сериясида ўрганилаётган препаратларнинг гематологик кўрсаткичларга таъсири, шунингдек, интерлейкинлар (ИЛ) ИЛ-1 β , ИЛ-10, ўсма некроз омили ЎНО- α ва С – реактив оксил СРО миқдорига таъсири Хуман Диагностисс анд Вестор томонидан ишлаб чиқарилган тижорий иммун фермент синама (ИФС) тўпламлари ёрдамида ўрганилди.

Диссертациянинг **"Кальций каналлари блокаторларининг турли хил флогогенлар томонидан чақирилган асептик артрит кечишига таъсирини ўрганиш"** деб номланган учинчи бобида ККБнинг асептик яллиғланишга яққол ифодаланган модельцияловчи таъсирга эга эканлигини кўрсатувчи тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга, ўрганилган препаратлар турли хил флогогенлар томонидан чақирилган экссудация жараёнига бир йўналишли таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, декстранли яллиғланиш шароитида амлодипинни бир марта 5, 10 ва 20 мг/кг дозаларда юборилганда каламушларда панжа шиши ривожланишини мос равишда 13,7, 21,0 ва 27,4% га, такрорий қўлланилганда эса 12,6 га, 25, 2 ва 30,2% га тормозланди. Декстран билан чақирилган яллиғланишда дилтиаземни профилактик тарзда қўлланилиши экссудация жараёнининг маълум даражада яққолроқ даражада сусайиши қайд этилди. Шундай қилиб, препарат кўрсатилган дозаларда бир марталик юборишда экссудация жараёнини мос

равишда 16,1, 28,2 ва 34,7% га, такрорий юборилганда эса 16,8, 31,1 ва 34,6% га сусайтирди. Бундан фарқли ўлароқ, синнаризинни 10, 25 ва 50 мг/кг дозаларда бир марта қўллаганда экссудация ривожланиши 20,2, 27,4 ва 37,9% га кам бўлди ва бу эса диклофенак натрий қўлланиладиганда олинган натижалардан сезиларли даражада фарқ қилмади, я'ни диклофенак натрий қўлланилганда яллиғланишга қарши фаоллиги 40,3% ни ташкил этди. Синнаризинни кўрсатилган дозаларда такрорий қўллаш кузатилган таъсирнинг сезиларли ўсишига олиб келмади ва диклофенак натрийни такрорий қўлланилганда олинган самара билан солиштирилганда (47,9%) бироз паст бўлди.

Юқорида олинган натижаларни умумлаштирилганда, ККБларини бир марта ва такрорий қўлланилганда дозага боғлиқ равишда антиэкссудатив таъсир кўрсатади деб хулосалаш мумкин бўлади. Шу билан бирга, фармакологик фаоллиги жиҳатидан дилтиазем ва айниқса, синнаризин диклофенак натрийдан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмайди.

Декстран билан чақирилган асептик яллиғланиш яллиғланишнинг муҳим воситачиларидан бири бўлган гистамин ва серотонинни семиз хужайраларидан чиқиши билан боғлиқ [71;22б.]. Шундан келиб чиқиб, алоҳида бир қатор тажрибаларда биз кальций антагонистлари ва диклофенак натрийни гистамин билан чақирилган яллиғланишга таъсирини ўрганиб чиқдик.

Интакт каламушларда гистамин юборилгандан кейин 30 дақиқа ўтгач панжа ҳажмини 163,6% га ошишига олиб келди. Бундан фарқли ўлароқ, илгари амлодипин юборилган каламушларда, флагоген киритилгандан 30 минут ўтгач дастлабки ҳажмга нисбатан панжа ҳажмининг ўсиш даражаси камроқ бўлиб, 2,2 бараварни ташкил этди. Шу билан бирга, ЯҚФ қиймати 26,8% ни ташкил этди. Илгари синнаризин ва диклофенак натрий билан даволанган ҳайвонлар гуруҳларида гистамин юборилгандан сўнг панжа ҳажмининг ошиши амлодипин ва дилтиаземни 20 мг/кг дозада қабул қилган гуруҳга қараганда бироз камроқ бўлиши аниқланди. Шуниси эътиборга лойиқки, синнаризин 50 мг/кг дозада ўзининг антиэкссудатив фаоллиги жиҳатидан деярли натрий диклофенак даражасида бўлди ва фаоллиги бўйича амлодипин ва дилтиаземдан бир оз юқори бўлди.

Формалиннинг флагоген таъсири ўзининг таъсир механизми билан яллиғланишни келтириб чиқарадиган бошқа моддалардан сезиларли даражада фарқ қилади [41;24 б., 63;41б., 69;34б., 71;22б.]. Формалин таъсирида экссудатив жараённинг ривожланишида панжаларнинг максимал шишиши тажрибанинг 4-соатида қайд этилди ва амлодипин, дилтиазем ва синнаризин профилактика мақсадида қўлланилганда ҳайвонлар панжасида шиш пайдо бўлиши сезиларли даражада камроқ бўлди. Шундай қилиб, амлодипин қабул қилган каламушларда яллиғланишга қарши фаоллик 2, 4 ва 6 соатдан кейин мос равишда 11,5, 24,7 ва 30,3% ни ташкил этди. Дилтиазем

таъсири остида асептик артритнинг ушбу моделида шиш пайдо бўлиши амлодипинга нисбатан яққолроқ бостирилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, кузатувнинг кейинги даврларида препаратнинг яллиғланишга қарши фаоллиги амлодипинда бўлгани каби, аммо сезиларли даражада кўпроқ ошди. Дилтиаземнинг яллиғланишга қарши фаоллиги тажрибанинг кўрсатилган даврларида мос равишда 18,0%, 28,2% ва 34,2% ни ташкил этди. ККБ нинг бу икки вакилидан фарқли ўлароқ, синнаризин юқори яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, унинг яллиғланишга қарши фаоллиги ўрганилган кузатув даврларида 24,6, 30,6 ва 35,5% ни ташкил этди. Кўриниб турибдики, синнаризин формалин билан чақирилган асептик артрит моделида ўрганилган бошқа ККБларга нисбатан энг юқори яллиғланишга қарши фаолликни намойиш этди, аммо фаолликдаги фарқлар статистик аҳамиятли бўлмади. Диклофенак натрийнинг яллиғланишга қарши таъсир қилиш механизми сиклоксигеназни фаоллигини сусайтириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, потенциалга боғлиқ бўлган кальций каналлари блокаторлари сиклоксигеназани сусайтириш натижасида простагландинларни биосинтезини ҳам камайтиради деб мантиқан тахмин қилиш мумкин.

Шундай қилиб, кальций каналлари блокаторлари формалин билан чақирилган асептик артритда диклофенак натрий сингари экссудация жараёни ривожланишига тўсқинлик қиладилар ва уларнинг яллиғланишга қарши фаоллиги ностероид яллиғланишга қарши препаратлардан сезиларли даражада кам эмас.

Каррагенин билан чақирилган яллиғланиш модели кўп жиҳатдан асептик артритнинг клиник кечишига мос келади деб ҳисобланилади, чунки бу флогоген тўқималарга зарар бермасдан яллиғланишнинг асосий белгиларини тез ривожланишига сабаб бўлади (Конг, 2015). Соғлом ҳайвонларга каррагенинни субплантар юборилганда панжа ҳажми бир соатдан кейин 59,4% га катталашди ва флогоген таъсири бошланганидан 3-4 соатдан сўнг панжанинг ҳажми дастлабки ҳажмига нисбатан икки баравар кўпроқ ортди. Шу билан бирга, панжа ҳажми каррагенин юборилгандан сўнг 24 соат ўтгач ҳам 28,4% га катталигича қолди. Яллиғланиш жараёни каррагенин таъсирининг дастлабки соатларида кининларнинг таъсири натижасида ва кейинги даврларда (уч ва тўрт соатдан кейин) – простагландинлар таъсиридан келиб чиқади деб ҳисобланади [132; 187б.]. Олдиндан диклофенак натрий юборилган ҳайвонларда, каррагенин таъсирида панжа ҳажмини ўсиши сезиларли даражада паст бўлиб, унинг даражаси бир соатдан кейин 32,5% ва икки соатдан кейин - 36,4%, уч соатдан кейин - 42,8% ва тўртинчи соатнинг охирига келиб бошланғич ҳажмга нисбатан 35,1% ни ташкил этди ва тажриба бошланганидан бир кун ўтгач кўрсаткич дастлабки ҳажм қийматларидан деярли фарқ қилмади. Диклофенак натрийнинг яллиғланишга қарши фаоллиги каррагенин таъсирининг биринчи босқичида 43,2% ни, иккинчи босқичда эса 55,4 - 60,3% ни ташкил этди. Амлодипин таъсирида ҳам каррагенин томонидан кўзғатилган асептик артрит интенсивлиги сусайиши кузатилди. Шундай қилиб, амлодипиннинг

яллиғланишга қарши фаоллиги 1, 2, 3 ва 4 соатлик кузатувдан сўнг мос равишда 34,1, 36,8, 37,8 ва 39,7% ни ташкил этди ва дилтиазем профилактик мақсадида қўлланган ҳайвонларда яллиғланишга қарши фаоллиги каррагенин таъсирининг учинчи ва тўртинчи соатларида, яъни яллиғланишнинг асосий медиатори простагландинлар бўлган фазада юқори бўлди.

Шу билан бирга, препаратнинг ЯҚФ қиймати диклофенак натрийнинг қийматларидан сезиларли даражада фарқ қилмади. Шунингдек, синнаризин аввалги препарат каби, яққол антиекссудатив таъсирга эга бўлди, унинг яллиғланишга қарши фаоллиги 1, 2, 3 ва 4 соатдан кейин мос равишда 38,6, 40,3, 41,9 ва 44,0% ни ташкил этди.

Маълумки, яллиғланиш ўчоғининг шаклланиш динамикаси нейрогуморал регуляциянинг ўзгариши ва яллиғланиш ўчоғида физиологик фаол моддаларни пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган бир неча босқичларни ўз ичига олади. Ўткир яллиғланишнинг эффекторларига нейтрофиллар ёки полиморфонукуляр лейкоцитлар (ПМЛ) кириб, улар нафақат *per se*, балки яллиғланиш ўчоғида жойлашган бошқа ёрдамчи ҳужайра элементлари (масалан, эозинофиллар, семиз ҳужайралари ва бошқалар) билан биргаликда ишлайди. Нейтрофиллар тромбоцитлар ва бошқа ҳужайраларни жараёни амалга ошириш учун жалб этилишида иштирок этадилар [66;896б.].

Каррагенинли яллиғланишда қоннинг "оқ қон" томонида яққол ўзгаришлар кузатилади. Шундай қилиб, ўткир яллиғланиш жараёнига хос бўлган яққол лейкоцитоз фонида гранулоцитларнинг деярли икки баравар кўпайиши кузатилди. Шу билан бирга, лимфоцитларнинг абсолют кўрсаткичи 129,8% га, моноцитлар, базофиллар ва эозинофиллар аралашмасининг абсолют кўрсаткичи эса 375,3% га ошди. Ушбу фонда периферик қондаги тромбоцитлари сони 95,8% га ошди, бу эса тромбокритни 78,2% га ошишига олиб келди. Каррагенин билан асептик артрит чақирилгандан сўнг 3 соат ўтгач, қоннинг гематологик кўрсаткичларида йўналиши бўйича ўхшаш ўзгаришлар аниқланди. Шу билан бирга, лейкоцитоз даражаси, шунингдек гранулоцитлар, айниқса моноцитлар, базофиллар ва эозинофиллар аралашмаси миқдори ўсиши олдинги кузатув даврининг биринчи соатига нисбатан 2 баравардан ортиқроқ кам бўлди. Бунда тромбоцитлар сонидан статистик жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар кузатилди, яъни у 80,0% га, тромбокрит эса 67,3% га юқори бўлди. Олинган натижалар яллиғланиш патогенезининг мавжуд назариясига мос келиб, бунда бирламчи ва иккиламчи алтерация мобайнида яллиғланишнинг турли медиаторлари ва модуляторлари кўп миқдорда ажралиб чиқиши исботланган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, яллиғланишнинг дастлабки босқичларида базофиллар, семиз ҳужайралари ва тромбоцитлар томонидан вазоактив амин - серотонинни чиқарилиши амалга оширилади, у эса томирларни кенгайтишига, ўтказувчанлигини ошишига ва силлиқ мушакларнинг спазмига олиб келади.

Препаратлар каррагенинли яллиғланишда гематологик кўрсаткичларга бир йўналишли таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, диклофенак натрий билан

профилактик даволаш ўтказилган ҳайвонларда 1 соатдан кейин лейкоцитоз даражаси 53,0% га, амлодипинда - 45,3% га, дилтиаземда - 48,6% ва синнаризинда эса 46,6% га камайди, бу гранулоцитлар умумий микдори, шунингдек, базофиллар, моноцитлар ва эозинофиллар аралашмасининг абсолют таркибини 58,4, 51,5, 54,6 ва 66,0% га камайиши билан бирга келди. Шуниси эътиборга лойиқки, бу ўзгаришлар даволанмаган ҳайвонларга нисбатан таққослаганда нафақат тромбоцитларнинг абсолют сонини, балки тромбоцитни ҳам статистик жиҳатдан сезиларли пасайиш билан бирга кечди.

Кўриниб турибдики, дилтеаземнинг самарадорлиги классик ностероид яллиғланишга қарши препарат- диклофенак натрийдан кам эмас. Ушбу хулосани кўрсатилган препаратларни каррагенин билан чақирилган артрит моделида яллиғланишга қарши фаоллигини ўрганиш натижалари тасдиқлайди.

Яллиғланишнинг экссудатив фазасини сусайтирилиши яллиғланиш ўчоғида пролиферация жараёнининг камайиши билан кечади деб тахмин қилиш мантиқан тўғри бўлади, чунки ўзгаришларнинг бундай йўналиши кўплаб яллиғланишга қарши воситаларнинг таъсирига хосдир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, диклофенак натрий назорат гуруҳи билан таққослаганда гранулома шаклланишини 34,0% га камайтирди, шунингдек синнаризин ва дилтиазем билан даволанган каламушларда пролиферация жараёнини деярли бир хил даражада сусайиши кузатилди ва бу самара амлодипин билан даволанган каламушларда эса биров камроқ даражада ифодаланади, яъни барча ўрганилган препаратлар яллиғланишнинг нафақат пролифератив, балки экссудатив босқичини ҳам сусайтиради. Шундай қилиб, КА яллиғланиш жараёнини сусайтириши характерлидир. Бундай таъсирнинг сабаби, эҳтимол, мембрана рецепторлари ва ҳужайра ичида кечувчи жараёнлар ўртасида "воситачи" ролини ўйнайдиган - кальций ионларининг функциясини йўқотилиши туфайли яллиғланиш медиаторларини шаклланиши ва ажратилишини сусайиши бўлса керак - [71;226. ., 88;760б.]. Шунингдек, КА простагландинлар ва про-яллиғланиш таъсирига эга бўлган ситокинлар синтезида иштирок этадиган ферментларнинг фаоллигини ҳам сусайтиради деб тахмин қилишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Олинган натижалар КА қабул қилувчи, асосида турли хил локализациядаги яллиғланиш жараёни ётувчи ёндош касалликлари мавжуд беморларда фармакотерапия тузилишини қайта кўриб чиқишни тавсия қилиш имконини беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Кальций каналлари блокаторларининг адъювант билан чақирилган артрит кечишига таъсири ни ўрганиш”** деб номланган. Ревматоид артрит нафақат сурункали эрозив артрит, балки ички органларнинг тизимли шикастланиши, ногиронликка олиб келиши ва натижада беморларнинг умр кўриш давомийлигининг қисқариши билан тавсифланади [60;4 б.]. Ушбу патология кўпинча кальций канал блокаторларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлган кекса беморларда ташхис қилинади [46;1024 п., 88;760б.]. Фрейднинг тўлиқ

адъювантини (ФТА) киргизиш билан кўзгатиш билан бўғимларнинг сурункали яллиғланиши одамларда учрайдиган РАнинг ҳайвонларда ўрганиладиган классик экспериментал моделидир [98;498б.]. Натижалар шуни кўрсатдики, ФТА инъекция қилиш сезиларли даражада яллиғланиш жараёни ривожланишига олиб келади. Каламушларда иммунизациядан кейин 3-кундан оқ ҳолсизлик, тажовузкор, кам ҳаракатлилиқ, соч қопламаларини хиралашиши ва озикланиш камайиши кузатилди. Шу билан бирга, Тажриба бошланганидан 3, 7, 10 ва 14 кундан кейин каламушларнинг панжалари ҳажми панжанинг дастлабки ҳажмига нисбатан мос равишда 256,4; 269,0; 283,6 ва 290,9% га сезиларли даражада прогрессив ўсиши қайд этилди. Бошқа панжаларда ҳам бўғимлар ҳажмининг бир қанча катталаниши характерли эканлиги қайд этилди. Буларнинг барчаси бўғимларда сурункали прогрессив, генерализациялашган, иммунитетга боғлиқ яллиғланишининг ривожланишини кўрсатади. Бундан фарқли ўлароқ, кальций каналлари блокаторлари билан профилактик даволанган каламушлар гуруҳида панжа ҳажмининг ошиши камроқ даражада ифодаланди. Шундай қилиб, тажрибанинг кўрсатилган даврларида амлодипин таъсири остида препаратнинг яллиғланиши тўхтатиш индекси мос равишда 19,1; 20,9; 23,7 ва 25,0%ни ташкил этди. Дилтиазем, синнаризин ва диклофенак натрий билан даволанган каламушлар гуруҳида янада яққолроқ фармакотерапевтик таъсир қайд этилди. Охириги препарат қўлланганда кўрсатилган кузатув даврларида яллиғланиши тўхтатиш индекси мос равишда 31,9; 33,8; 35,2 ва 37,5% ни ташкил этди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, ККБлари РА ривожланишига тўхтатувчи таъсир кўрсатади, дилтиазем ва синнаризин, айниқса дилтиазем диклофенак натрий билан деярли бир хил профилактик таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, ФТА таъсири остида ҳайвонларда яққол лейкоцитоз ва лимфоцитоз сурункали яллиғланиш ривожланиши кўрсатади, бу эса тромбоцитлар миқдори кўпайиши туфайли қон айланишининг бузилиши билан бирга кечади. Ушбу ўзгаришлар экспериментнинг 14-кунининг охирида яққолроқ ифодаланди. Амлодипин билан даволанган ҳайвонларда лейкоцитлар, лимфоцитлар ва гранулоцитлар сони назорат гуруҳи билан таққосланганда мос равишда 46,3; 28,7 ва 21,6% га, дилтиазем билан даволанган ҳайвонларда эса 58,0; 47,9 ва 32,4%, шунингдек синнаризин қабул қилган ҳайвонларда 54,6; 42,8 ва 27,6%га камайди. Гематологик кўрсаткичлардаги ўзгаришларни коррекциялашдаги энг аҳамиятли таъсир дилтиаземни профилактик тарзда қабул қилган ҳайвонларда кузатилди.

Шундай қилиб, ҳайвонларга ФТА юбориш сурункали иммун яллиғланиш ривожланишидан далолат берувчи периферик қон кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришларга олиб келади, ККБ гуруҳи препаратлари, айниқса дилтиазем бу ўзгаришларни яққол бартараф этади, унинг фармакологик фаолиги диклофенак натрийдан деярли фарқ қилмайди.

Беморларнинг аксарияти тиббий ёрдамга патологик ҳолат ривожланиб юзага чиққандан сўнг мурожат қиладилар, бунда фармакологик воситалардан фойдаланиш терапевтик хусусиятга эга бўлади. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, кальций каналлари блокаторларини терапевтик қўлланганда адъювант билан индуцирланган артрит (АИА) кечишига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этди. АИА моделида тажриба ҳайвонларида панжа ҳажмини катталашини бошланғич ҳажмга нисбатан таққосланганда юқори даражада барқарор сақланди ва тажрибанинг кейинги икки ҳафтасида 270,0-266,0% дан ортиқни ташкил қилди. Кальций каналлари блокаторлари таъсирида каламушларда панжа ҳажми аста-секин камаяди. Амлодипин, дилтиазем ва синнаризинни ЯҚФ кўрсаткичи этти кунлик даволанишдан кейин мос равишда 21,0; 27,2 ва 25,9% ниташкил қилди. Икки ҳафталик даволанишдан сўнг бу кўрсаткичлар мос равишда 23,1; 32,0 ва 30,7% ни ташкил этди. Шуниси эътиборга лойиқки, дилтиазем ўзининг яллиғланишга қарши самарадорлиги бўйича диклофенак натрийдан статистик жиҳатдан кам эмас, бунда унинг ЯҚФ ўрганилган даврларда 30,9 ва 37,2% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, кальций каналлари блокаторларини ҳам профилактик, ҳам терапевтик қўлланилганда экспериментал ҳайвонларда РА ривожланишини яққол тўхтатади ва улар самарадорлиги бўйича ЯҚНП ларнинг олтин стандарти бўлган - диклофенак натрийнинг таъсири билан тенглаша оладилар [28;126.].

Диссертациясининг бешинчи боби **“Кальций каналлари блокаторларининг оғриқ қолдирувчи ва иситмани туширувчи таъсирини баҳолаш”**га бағишланган. Яллиғланишга қарши воситалар яллиғланишнинг асосий патогенетик бўғинларига та’сир этиб оғриқни бартараф қилади. ККБ "корчи" моделида классик ЯҚНП - диклофенак натрийдан фарқ қилмайдиган даражада яққол аналгетик таъсир кўрсатади. Бу хулоса навбатдаги тажрибалар сериясида "иссиқ пластинка" моделида олинган натижаларда ҳам тасдиқланди, яъни ККБлар, айниқса дилтиазем ва синнаризин этарлича юқори оғриқ қолдирувчи фаолликни намоён қилди. Шунингдек, ККБлари пирогеналнинг гипертермик таъсирини диклофенак натрийнинг фаоллиги билан таққосланадиган даражада яққол сусайтириши аниқланди. Шундай қилиб, тажриба бошланганидан 30, 60 ва 120 минут ўтгач, амлодипин таъсирида тана ҳарорати мос равишда 17,8; 23,1 ва 23,6%, дилтиазем таъсири да 27,4; 44,0 ва 45,0%га, синнаризин эса 22,0; 42,0 ва 42,5% га пасайиши кузатилди. ККБларнинг ҳипотермик таъсири дастлабки даврда бироз камроқ бўлди ва тадқиқотнинг кейинги соатларида, айниқса дилтиазем эталон ЯҚНП билан деярли бир хил даражада та’сир кўрсатди.

Шундай қилиб, тадқиқ қилинган ККБлар пирогенал билан чақирилган иситма моделида яққол антипиретик таъсир кўрсатади, бу уларнинг яллиғланишга қарши фаолликка эга эканлигини кўрсатувчи қўшимча далилидир.

Диссертациянинг олтинчи боби **“Кальций каналлари блокаторларини яллиғланишга қарши таъсири механизмининг айрим жиҳатларини ўрганиш”**га бағишланган. Фрейднинг тўлиқ адъювант и

томонидан кўзғатилган аутоиммун артритни ривожланишида интерлейкинлар таркибида сезиларли ўзгаришлар қайд этилди. Шундай қилиб, олинган натижаларни интакт ҳайвонлар билан солиштирганда назорат каламушларида ИЛ-1 β миқдори 5,5 баробар ортди. ЎНО- α миқдори эса 2,3 марта камайди, унинг фонда анти-флогоген интерлейкин ИЛ-10 кўрсаткичи 31,6% га камайди ва қондаги СРО миқдори 8 марта ошди. Аксинча, амлодипин, дилтиазем ва синнаризин билан профилактик даволанган ҳайвонларда яллиғланишга интерлейкини ИЛ-1 β нинг ўсиш даражаси сезиларли даражада кам бўлди. Тадқиқ қилинаётган ККБ препаратлари яллиғланиш жараёнини ривожланишини сусайтиради, бу СРО ни мос равишда 70,5: 77,6 ва 75,5%га камайиши билан тасдиқланади. ККБлари таъсири да яллиғланиш жараёнининг ривожланишини сусайиши яллиғланишга қарши интерлейкин ИЛ-10 ни амлодипин таъсирида 42,2% га, дилтиазем таъсири да 47,5% га ва синнаризин билан даволанганда эса 45,8% га ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Берилган натижалар шуни кўрсатадики, ККБ таъсирида яллиғланиш жараёнининг жадаллигини яллиғланиш интерлейкинларини камайиши ва яллиғланишга қарши интерлейкинларни кўпайиши натижасида сусаяди. Бу далил СРО ни ўрганиш натижалари билан тасдиқланди, я'ни назорат гуруҳи ҳайвонларида унинг концентрацияси интакт ҳайвонларга нисбатан 9 мартадан кўпроқ ошди ва ККБлари амлодипин, дилтиазем ва синнаризин қўлланилганда қондаги консентрацияси мос равишда 69,1; 78,2 ва 74,1% га камайди. Шуниси эътиборга лойиқки, ўрганилган ККБ препаратлари, айниқса дилтиаземнинг фармакологик фаоллиги классик ЯҚНП - диклофенак натрийдан кам эмас. Диклофенак натрий билан даволанган ҳайвонлар гуруҳида ИЛ-1 β миқдори 77,8% га, ЎНО- α - 65,0% га, СРО - 87,4% га камайди, унинг фониди ИЛ-10 87,2% га ошди.

Тадқиқ қилинган ККБлар кинин тизимини сусайтиришда этарлича юқори фаолликка эга бўлди, бу эса уларнинг яллиғланишга қарши фаоллигининг муҳим омилларидан биридир. Шу билан бирга, ККБлар гиалуронидаза фаоллигини статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада сусайтирди, улар орасида дилтиазем фаоллиги бўйича бошқа ККБларидан бир қанча устун бўлди ва унинг самараси диклофенак натрийдан кам эмас.

Диссертациянинг еттинчи боби **“Кальций каналлари блокаторларини меъда шиллик қавати ҳолатига нормал шароитда ва индометацин таъсири дан келиб чиққан гастропатияда таъсири ни ўрганиш”**га бағишланган. ЯҚНП лар билан даволашда гастропатия ривожланиши кўп учрайдиган ва оғир асоратларидан бири ҳисобланади [22;687б., 67;68б.]. Мавжуд адабиётларда ККБларини ошқозон шиллик қавати таъсири ҳақида маълумотлар йўқ. ККБларининг ошқозон шиллик қавати ҳолатига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, амлодипин, дилтиазем ва синнаризин яллиғланишга қарши самарали дозада такрорий юборилганда (30 кун) ошқозон шиллик қавати ҳолатига салбий таъсир кўрсатмайди. Адъювант

артритли хайвонларда ҳам ошқозон шиллиқ қаватида сезиларли шикастланиш аниқланмади. Шундай қилиб, ўрганилган ККБ препаратларини профилактик ва терапевтик мақсадларда қўлланганда ошқозон шиллиқ қаватига зарарли таъсир кўрсатмади.

ХУЛОСАЛАР

1. Кальций каналлари блокаторлари ҳам бир марталик, ҳам такрорий қўлланилганда турли флогогенлар томонидан қўзғатилган асептик артритда экссудация ва пролиферация жараёнини яққол сусайтиради.

2. Кальций каналлари блокаторлари оғриқ сезувчанлик бўсағасини сезиларли даражада оширади ва аналгетик таъсири бўйича таниқли ЯҚНП - диклофенак натрийдан биров устундир.

3. Кальций каналлари блокаторлари каламушларда профилактик ва терапевтик қўлланганда Фрейднинг тўлиқ адъювант и томонидан қўзғатилган сурункали яллиғланиш ривожланишини яққол сусайтиради.

4. Дилтиазем каламушларда пирогенал билан чақирилган иситмада амлодипин ва синнаризинга қараганда кўпроқ антипиретик таъсирга эга.

5. Кальций каналлари блокаторларининг яллиғланишга қарши фаоллиги механизми яллиғланиш ва яллиғланишга қарши ситокинлар таркибидаги бузилишларни бартараф этиши, кинин тизими ва гиалуронидаза фаоллигини сусайтириши билан боғлиқ.

6. Кальций каналлари блокаторларини превентив қўллаш индометацин гастропатиясида яққол профилактик таъсирини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

БЕКОВА НОДИРА БАХАДИРОВНА

**СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ЦИННАРИЗИНА,
АМЛОДИПИНА И ДИЛТЕАЗЕМА НА ТЕЧЕНИЕ АСЕПТИЧЕСКОГО
ВОСПАЛЕНИЯ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским
зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров
Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Tib1363**

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме))
размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном
портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Шукурлаев Кадир Шукурлаевич
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Ведущая организация:

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 г. в «_____» часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фаробий, 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фаробий, 2. Ташкентская медицинская академия. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 г.
(реестр протокола рассылки №_____ от «_____» _____ 2022 г.).

А.Г. Гадаев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном этапе развития здравоохранения вопросы рациональной фармакотерапии различных заболеваний имеют особую актуальность и требуют оптимального выбора лекарственных средств. Это возможно путем применения новых лекарственных средств или применением известных лекарств с учетом всех их фармакологических свойств. При этом необходимо учесть увеличение распространенности различных коморбидных состояний, которые во многом затрудняют проведение

фармакотерапии (Морозова Т.Е. и соавт.,2014). Улучшение социальной обеспеченности привело к увеличению продолжительности жизни людей, у которых наряду с основным заболеванием часто отмечается наличие других хронических болезней, особенно сердечно-сосудистой системы. В лечении последних наряду с ингибиторами ангиотензин превращающего фермента, бета блокаторов, широкое применение находят БКК, которые обладают многими свойствами такими как анти гипертензивное, антиангинальное, антиаритмическое, антиагрегантное и др. (Mancia G. et al.,2013; Godfraind T. 2017; Глезер М.Г.,2015,2019; Морозова Т.Е., Вартанова О.А.2017; Каркищенко В.Н.и соавт.,2018).Ионы кальция выполняют в организме функцию универсальных вторичных мессенджеров и участвуют в регуляции всех форм жизнедеятельности клеток. Выше изложенное позволяет предположить о возможном моделирующем эффекте антагонистов кальция на течение воспалительного процесса. Данное обстоятельство имеет важный практический интерес в плане повышения эффективности фармакотерапии болезни, в лечении которых, широкое применение находят БКК.

Ряд больных с заболеваниями сердечно-сосудистой системы одновременно принимают противовоспалительные средства из-за наличия сопутствующих хронических воспалительных болезней, таких как ревматизм, артриты и др. Однако, нарушение тонуса сосудов при воздействии антагонистов кальция может усугубить течение воспаления из-за нарушений гемодинамики. Данный вопрос, имеющий большой практический интерес остаётся не достаточно изученным.

Учитывая выше изложенное, представляется важным изучение действия антагонистов кальция на течение воспалительного процесса. Однако, влияние данной группы лекарственных средств на течение воспалительного процесса отдельно целенаправленно не исследовалась.

В определенной степени данное диссертационное исследование служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, указе № УП-5590 «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2595 «О мерах по дальнейшему развитию фармацевтической отрасли в 2016-2020 гг.» от 16 сентября 2016 г., № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» от 14 февраля 2018 года и других нормативно-правовых актов, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением

развития науки и технологий республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

